

МАМЛАКАТДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН БАҲОЛАНИШИ

“Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди”

Ш. М. Мирзиёев. Коррупцияга қарши
курашиш соҳасида юксак Халқаро
мукофотни топшириш маросимида,
Тошкент шаҳри, 2023 йил 19 декабрь

ДУНЁ ВА БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ УЧУН КОРРУПЦИЯ МУАММОСИ

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили дунё бўйича бир триллион доллар (1 000 000 000 000 \$) исрофгарчилик билан сарф қилинади. Коррупция мамлакат бойлигининг камайишига ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Гарчи биз коррупцияга тўғридан-тўғри дуч келмасак ҳам, у бизга таъсир кўрсатади.



THE WORLD BANK

КОРРУПЦИЯ ТАРҚАЛИШИНING САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ:

Коррупция бизнесга халақит беради, у коррупциялашган тизимда муваффақиятли ривожлана олмайди, бу эса мамлакат умумий бойлигининг қисқаришига олиб келади;

Коррупция ҳукумат меҳнаткашларга тўлаши керак бўлган ва китоблар, дори-дармонлар, компьютерлар ва ҳ.к.лар таъминоти учун сарфлаши зарур бўлган пул маблағлари миқдорининг қисқаришини келтириб чиқаради;

У давлат томонидан ижтимоий хизматлар (мактаблар, шифохоналар, йўллар, канализация, ички ишлар хизмати ва ҳ.к.) кўрсатиш учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланмасликка олиб келади, бу эса хизматлар сифатини ёмонлаштиради;

Коррупция пулдор ва алоқалари бор кишиларнинг қонунлар ва давлат органларининг қарорларини ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартириши учун шарт-шароитлар яратади;

У ҳукуматга бўлган ишончга путур етказади.

Тадқиқотларга кўра, давлатлар коррупцияга қарши курашишганда давлат даромадлари узоқ муддатли истиқболда тўрт бараварга ўсади. Коррупция даражаси камайганида бизнес уч фоизга тезроқ ўсиши, чақалоқлар ўлими даражаси эса 75%га камайиши мумкин.



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТАХМИНИГА КЎРА КОРРУПЦИЯ ДАРАЖАСИ ЎСИШИНИНГ ТЎРТТА АСОСИЙ САБАБИ:

Имкониятлар.

Тизим самарасиз ишлаётганида ва кишилар мавжуд тартиб ҳамда қонунларни инобатга олмасдан ўз мақсадларига эришиш усулини топишлари керак бўлганида, улар коррупцияга тезроқ чалинишади.

Ҳисобдорликнинг йўқлиги, энг аввало, транспарентлик, шаффофликнинг мавжуд эмаслиги (мисол учун, давлат мансабдорлари қай тарзда ва нима учун, нималар қилишаётгани ҳақида ахборот беришмайди ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини тушунтиришмайди), шунингдек, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг заифлиги (ҳуқуқ-тартибот органлари бошқарув ваколатларига эга бўлиб, ўз мажбуриятларини суистеъмол қилаётган шахсларни жавобгарликка тортишмайди) оқибати ҳисобланади.

Фош этилиш ЭҶТИМОЛИНИНГ пастлиги.

Мотивациянинг ёмонлиги.

Мисол учун, мансабдор яшаши учун етмайдиган даражада маош олса ёки унинг эртанги кунга ишончи бўлмаса, у ўз даромадини пора билан тўлдиради.

Муайян вазият ва ҳолатларда оддий одамлар қонунни ҳурмат қилмай қўядилар. Улар ҳукуматнинг ўзлари ноқонуний деб ҳисоблаган қонунларини четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Қашшоқлик ёки маҳсулотларнинг (масалан, доридармонларнинг) етишмаслиги ҳам одамларни қонунларга бўйсунмасликка ундаши мумкин.



TRANSPARENCY INTERNATIONAL

Биз ишониб топширилган ваколатни шахсий манфаатлар учун суиистеъмол қилишни коррупция деб таърифлаймиз.


Коррупция ишончга путур етказди, демократияни заифлаштиради, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади ва нотенглик, камбағаллик, ижтимоий бўлиниш ҳамда экологик инқирозни янада чуқурлаштиради.

Коррупцияни фош этиш ва коррупцияга чалинган шахсларни жавобгарликка тортиш фақат коррупция ва уни таъминловчи тизимларнинг қандай ишлашини биз тушунган тақдиримиздагина амалга ошиши мумкин.




ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА


Ўзбекистон “Коррупцияни қабул қилиш индекси” да:



2021 йил – 140-ўрин (28 балл – 2020 йилга нисбатан 6 бандга ўсиш)



2022 йил – 126-ўрин (31 балл – 2021 йилга нисбатан 14 бандга ўсиш)



2023 йил – 121-ўрин (33 балл – 2022 йилга нисбатан 5 баллга ўсиш)




“ИЖТИМОЙ ФИКР” РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА **2022-2024** ЙИЛЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

2022 йилда жамоатчилик фикри сўрови 19 – 29 апрель кунлари ўтказилди. Сўров давомида республиканинг барча минтақаларидан 18 ва ундан катта ёшдаги 1110 нафар фуқаро танлов асосида сўралди.

2023 йилнинг май ойидан бошлаб октябрь ойигача бўлган даврда мамлакатдаги барча стационар ва мобил телефон алоқаси абонентлари орасидан танлаб олинган 2063 нафар респондент билан сўров ўтказилди.

2024 йилда жамоатчилик фикри сўрови 15 апрелдан 13 майга қадар ўтказилди. Сўровда мамлакатдаги барча стационар ва мобил телефон алоқаси абонентлари орасидан танлаб олинган 1103 нафар респондент сўралди.



3 йиллик тадқиқотлар давомида сўралганларнинг жами сони:

Эркаклар: сони



2022 - 456
2023 - 1173
2024 - 578

Аёллар: сони



2022 - 654
2023 - 890
2024 - 525

Шаҳар аҳолиси: сони



2022 - 566
2023 - 1090
2024 - 570

Қишлоқ аҳолиси: сони



2022 - 544
2023 - 973
2024 - 533

УМУМАН ФУҚАРОЛАР СОНИ: 4276

Сўров иштирокчиларининг таркиби қуйидаги демографик
кўрсаткичлар кесимида ҳам тақдим этилган:



Ёши;



Оилавий аҳволи;



Маълумот даражаси;



Бандлик тури;



Фаолият соҳаси;



Миллий таркиби.

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ:

1. Мамлакатда коррупциянинг тарқалганлик даражасини баҳолаш;
2. Коррупциянинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатувчи сабаб ва омилларни аниқлаш, жамият ва мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида коррупциялашганлик даражасининг ошишига ёрдам берувчи энг кўп учрайдиган сабаб ва шарт-шароитлар рейтингини тузиш;
3. Турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг коррупциялашганлик даражаси тўғрисида фуқароларнинг фикрини ўрганиш; социологик сўров натижалари асосида давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва ижтимоий-маданий соҳанинг йўналишлари, тармоқ ва соҳалари бўйича коррупция, порахўрлик ва тамагирликнинг энг кўп тарқалганлиги кўрсаткичи асосида рейтинг тузиш;
4. Мамлакатда коррупцияга қарши амалга оширилаётган сиёсат чора-тадбирларининг самарадорлиги тўғрисида фуқароларнинг тасавури ва баҳосини ўрганиш;
5. Коррупциявий вазиятларда фуқаролар хулқ-атворининг энг кенг тарқалган шакллари ва коррупция, тамагирлик ёки порахўрликнинг муайян ҳолатларида шахсан иштирок этган фуқаролар фоизини аниқлаш;
6. Социологик сўров натижалари асосида коррупция, порахўрлик ва тамагирликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.



БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ





МИНТАҚАЛАР КЕСИМИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ (% ДА):

Минтақалар	Юқори			Ўртача			Паст		
	2022	2023	2024	2022	2023	2024	2022	2023	2024
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2	24,6	11,4	47,5	46,6	51,9	9,8	19,5	20,3
Андижон вилояти	9,9	29,7	36,9	66,3	39,9	44,7	10,9	17,3	11,7
Бухоро вилояти	30,6	27,6	29	41,9	40,3	32,3	17,7	23,9	25,8
Жиззах вилояти	28,9	34,7	25	57,8	38	58,3	11,1	18,2	12,6
Қашқадарё вилояти	19,6	22,5	43,2	63,6	27,2	34,7	11,2	14,2	15,8
Навоий вилояти	12,5	24,5	32,6	59,4	32,7	39,1	18,8	19,1	21,7
Наманган вилояти	31,2	42,2	31,3	41,9	41	55	14	10,2	11,3
Самарқанд вилояти	17,6	34,7	30	64,1	30,7	29,2	12,2	13,6	12,5
Сурхондарё вилояти	17,4	24,2	32,3	69,8	44,9	37,1	10,5	17,6	19,3
Сирдарё вилояти	18,5	34,2	35,7	55,6	40,5	52,4	3,7	15,3	11,9
Тошкент вилояти	20,8	37,2	39	55,2	47,2	44	18,8	11,4	12
Фарғона вилояти	36,1	28,4	34,8	37,7	35	43,8	19,7	18,3	8,1
Хоразм вилояти	30	20,3	15,9	41,7	53,7	46,4	18,3	19,5	29
Тошкент шаҳри	33,3	43,2	38,8	44,8	37	40	18,4	17,1	17,6



МИНТАҚАЛАР КЕСИМИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ИНДЕКСИ: (МАКСИМАЛ 1,000)

Минтақалар	Индекс 2022	Индекс 2023	Индекс 2024
Қорақалпоғистон Республикаси	0,435	0,524	0,537
Андижон вилояти	0,527	0,472	0,459
Бухоро вилояти	0,490	0,536	0,510
Жиззах вилояти	0,516	0,479	0,526
Қашқадарё вилояти	0,533	0,350	0,453
Навоий вилояти	0,569	0,436	0,517
Наманган вилояти	0,454	0,432	0,506
Самарқанд вилояти	0,542	0,390	0,360
Сурхондарё вилояти	0,559	0,494	0,480
Сирдарё вилояти	0,408	0,464	0,505
Тошкент вилояти	0,561	0,472	0,462
Фарғона вилояти	0,495	0,450	0,413
Хоразм вилояти	0,493	0,558	0,600
Тошкент шаҳри	0,519	0,479	0,494


АҲОЛИ ЎРТАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ

Коррупциявий вазиятларга дуч келган фуқароларнинг улуши:

2022 йил – 100% сўралганлар ҳисобидан 15%;

2023 йил – 100% сўралганлар ҳисобидан 19,9%;

2024 йил – 100% сўралганлар ҳисобидан 21,2%.





МИНТАҚАЛАР КЕСИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ВАЗИЯТЛАРГА ДУЧ КЕЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ УЛУШИ (% ДА):

Минтақалар	Дуч келишган			Дуч келишмаган		
	2022	2023	2024	2022	2023	2024
Қорақалпоғистон Республикаси	18,0	3,4	19,0	82,0	96,6	81,0
Андижон вилояти	10,9	19,6	21,4	87,1	80,4	78,6
Бухоро вилояти	4,8	18,7	19,4	93,5	81,3	80,6
Жиззах вилояти	26,7	23,1	22,9	68,9	76,9	77,1
Қашқадарё вилояти	13,1	20,7	27,4	82,2	79,3	72,6
Навоий вилояти	21,9	14,5	17,4	68,8	85,5	82,6
Наманган вилояти	6,5	27,1	17,5	93,5	72,9	82,5
Самарқанд вилояти	12,2	21,5	21,7	85,5	78,5	78,3
Сурхондарё вилояти	15,1	14,7	19,4	82,6	85,3	80,6
Сирдарё вилояти	11,1	25,2	28,6	88,9	74,8	71,4
Тошкент вилояти	21,9	27,0	25,0	72,9	73,0	75,0
Фарғона вилояти	8,2	12,7	25,9	91,0	87,3	74,1
Хоразм вилояти	6,7	14,6	5,8	93,3	85,4	94,2
Тошкент шаҳри	26,4	32,2	21,2	65,5	67,8	78,8

**КОРРУПЦИЯВИЙ ВАЗИЯТЛАРГА ДУЧ КЕЛГАН
ФУҚАРОЛАР ОРАСИДА КОРРУПЦИЯ ФАКТИ
ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ
ОРГАНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН
ФУҚАРОЛАРНИНГ УЛУШИ**

2022 йил – 3,6%

2023 йил – 8,5%

2024 йил – 11,5%



БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШИНИНГ 5 ТА ТОП - АСОСИЙ САБАБИ:

2024

1. Фуқароларнинг қонунлар ва ўз ҳуқуқларини, шунингдек, коррупциявий жиноятларга қарши курашишдаги ҳуқуқий амалиётни етарли даражада билмаслиги;
2. Бизда коррупция ва порахўрлик ҳамма жойда тарқалган;
3. Фуқароларнинг ўз саволлари ёки муаммоларини Қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал қилишга интилиши;
4. Жамиятнинг табақаланиши, бой ва камбағалга бўлиниши натижаси;
5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик базасининг номукамаллиги.

1. Фуқароларнинг ўз саволлари ёки муаммоларини Қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал қилишга интилиши;
2. Фуқароларнинг қонунлар ва ўз ҳуқуқларини, шунингдек, коррупциявий жиноятларга қарши курашишдаги ҳуқуқий амалиётни етарли даражада билмаслиги;
3. Очкўзлик, текин даромад олишга интилиш;
4. Тарихан шаклланган, менталитетнинг оқибати;
5. Жамиятнинг табақаланиши, бой ва камбағалга бўлиниши натижаси.

2023

2022

1. Фуқароларнинг қонунларни билмаслиги, ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги;
2. Давлат ҳокимияти органлари ишининг транспарентлиги, очиқлиги етарлича эмаслиги;
3. Юқори мансабдор шахслар ва амалдорлар иши устидан давлат ва фуқаролик жамияти томонидан тегишли назоратнинг мавжуд эмаслиги;
4. Ушбу турдаги жиноятлар учун жазо чораларининг енгиллиги;
5. Жамият ва алоҳида олинган муайян шахс учун ҳаётининг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида амалдорлар, юқори мансабдор шахсларга берилган ҳаддан ташқари катта ваколатлар ва имкониятлар.


БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК КЎРСАТКИЧИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН ИДОРАЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР

2024

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4. Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
5. Қурилиш ва уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

2022


1. Ишга ёлланиш ва жойлашишда
2. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида
3. Вилоят ҳокимлиги хизматлари ва бўлимларида
4. Олий, ўрта махсус ва ўрта таълим муассасаларида
5. Шаҳар ва туман ҳокимликлари хизматлари ва бўлимларида



2023

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4. Ҳокимликлар
5. Ички ишлар вазирлиги

ФУҚАРОЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА




КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТНИНГ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТИЙИБ ТУРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА САБАБЛАР

1. Жамиятда коррупцияни бартараф этиш масаласида шакланган пессимистик муносабат;
2. Жамоатчилик томонидан коррупцияга нисбатан мурасасозлик муносабатининг юқори даражаси;
3. Қасос олиш қўрқувидан келиб чиққан ишончсизлик туфайли коррупция ҳақида хабар беришга фуқаролар тайёрлиги даражасининг пастлиги;
4. Коррупцияга қарши кўрилаётган чора-тадбирларга жавобан коррупциявий схемаларнинг такомиллаштирилиши.



КОРРУПЦИЯВИЙ КЕЛИШУВЛАРДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОК ЭТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. Мансабдор шахсларнинг коррупциявий хулқ-атворини қандай англаб олиш, бу ҳақда қай тарзда ва қаерга хабар бериш, шунингдек, пора тама қилинаётган ёки коррупциявий муносабатларга мажбурланаётган фуқаро ўзини қандай тутиши ҳақида аҳолининг кенг қатламлари хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;
2. Коррупциянинг пайдо бўлиш хавфи юқори бўлган барча давлат ташкилотлари ва идораларида, бошқарув органларида коррупциявий вазият юзага келган тақдирда фуқаролар мурожаат қилиши мумкин бўлган алоқа манзиллари ва коррупциявий масалалар тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш ҳамда жойлаштириш зарур;
3. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган кишиларни ҳимоя қилиш юзасидан таъсирчан амалий чоралар кўриш ва коррупция фактлари ҳақида хабар берган шахсларни тақдирлаш механизмларини назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга.



ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАВСИЯЛАР



1. Коррупция ҳақида ижтимоий бало сифатидаги тасаввурни жамоатчилик онгида ва индивидуал идрок этишда қўллаб-қувватлаш;



2. Жамият ҳаётининг турли соҳаларига коррупциянинг таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларига нисбатан жамоатчилик эътиборини жалб қилиш ва кучайтириш;



3. Фуқароларда коррупциявий амалиётларга нисбатан муросасизликни шакллантириш.



Ушбу чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича тадбирларда иштирок этишга фуқароларни рағбатлантириш йўли билан коррупцияга қарши курашиш амалиётига кенг аҳоли оммасини жалб этишни фаоллаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш масалаларида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ролини ёритишга эътибор қаратиш лозим.